

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМий - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АТАДЖАНОВА МУБОРАК МАШАРИПОВНА

**ГЕСТАЦИОН ҚАНДЛИ ДИАБЕТ: ТАРҚАЛИШИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ,
БАШОРАТЛАШ, ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ КЕЧИШИ ВА ТУҒИШ
ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ**

**14.00.03 – Эндокринология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Атаджанова Муборак Машариповна

Гестацион қандли диабет: тарқалиши, хавф омиллари,
прогнозлаш ва ҳомиладорликнинг кечиши ва
туғиш жараёнига таъсири.....

3

Атаджанова Муборак Машариповна

Гестационный сахарный диабет: распространенность,
факторы риска, прогнозирование и влияние на
течение беременности и родов.....

25

Atadjanova Muborak Masharipovna

Gestational diabetes mellitus: prevalence, risk factors,
prediction and impact on pregnancy and childbirth.....

45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМий - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АТАДЖАНОВА МУБОРАК МАШАРИПОВНА

**ГЕСТАЦИОН ҚАНДЛИ ДИАБЕТ: ТАРҚАЛИШИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ,
БАШОРАТЛАШ, ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ КЕЧИШИ ВА ТУҒИШ
ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ**

**14.00.03 – Эндокринология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/Tib302 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация акад. Ё.Х. Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Алимов Анвар Валиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиева Дилфуза Абдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Насирова Хуршидахон Кудратуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ниязметов Рахматулла Эрматович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил « ____ » _____ да тарқатилди.

(2023 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

З.Ю. Халимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Гестацион қандли диабет (ГҚД) ҳомиладорлик даврида тез тез учрайдиган эндокрин бузилишлардан биридир. ГҚД деганда, одатда енгил гипергликемия назарда тутилади. Лекин шунга қарамай, ушбу ҳолатда ҳомиладорлик, туғруқнинг салбий оқибатлари сони ва келажакда диабет, юрак-қон томир касалликларининг ривожланиши каби бошқа хавфлар ҳам кўпаяди (ACOG Practice Bulletin №190, 2018; Waters T.P.,2022). Ҳомиладорлик қандли диабетини аниқлаш, даволаш, шу билан бирга унга чалинган оналарда ва уларнинг янги туғилган болаларида касаллик асоратларини олдини олиш масалаларини ўрганиш давом этмоқда. Мазкур масаланинг нафақат тиббий балки иқтисодий жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, Буюк Британияда ГҚД билан касалланган аёлни даволаш, диабетсиз ҳомиладор аёлга хизмат кўрсатишдан 34 % қимматроқ эканлиги тасдиқланган (Agha-Jaffar R., 2016).

Дунё бўйлаб гестацион қандли диабетнинг тарқалиши 1%- дан 30 % ораликда ўзгариб туради. Бунинг сабаби биринчидан ушбу касалликни скрининг қилиш ва ташхислаш усулларининг ягона тизимга бирлаштирилмагани бўлса (Behboudi-Gandevani S., 2019; McIntyre H.D.,2019), иккинчидан ГҚД тарқалишининг ўрганилаётган популяциянинг этник келиб чиқиши билан боғлиқ фарқи мавжудлиги туфайлидир (Mishra S., 2016; Мищенко О.И., 2020). Гестацион диабет одатда белгиларсиз кечади ва бу ҳолат уни аниқлашни мураккаблаштиради. Унинг клиник кўриниши касалликни анча кеч босқичларида, ҳомилага салбий таъсир кўрсатганидан кейин намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун ГҚДни даволаш натижаларини яхшилаш учун ташхислаш усулларини такомиллаштириш, касалликни эрта босқичда аниқлайдиган ва унинг пайдо бўлишини башорат қилиш имконини берувчи маркерларни излаб топиш зарур. Шу сабабли ГҚДнинг башорат қилувчи кўрсаткичларини аниқлаш замонавий илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда (Алиева Ф.Х., 2020; Капустин Р. В. 2021; Снеткова Н.В. 2021; Frick A.P., 2016).

Республикамизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, сурункали касалликларнинг аҳоли орасида тарқалишини камайтириш ва профилактикасига қаратилган қатор тадбирлар, жумладан «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, патронаж хизматини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...¹» каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида эндокрин тизимнинг турли касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон фармони

технологиялардан фойдаланишни яхшилаш орқали касаллик асоратларини камайтириш имконини беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071 қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 апрелдаги қарори, «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига эндокринологик ёрдамни такомиллаштириш Миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4295 қарори ва ушбу қарорнинг давоми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги «эндокринологик хизмат кўламини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-102 қарори ва ушбу фаолият тури билан боғлиқ бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада ёрдам беради.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

ГҚД бўйича асосий муаммолардан бири унинг тарқалиши ҳисобланиб, ушбу кўрсаткич турли популяциялар орасида бир биридан бирмунча фарқ қилади (Hod M., 2015, McIntyre H.D., 2019). Масалан, Lee ва унинг ҳамкасблари томонидан Осиёда ГҚД тарқалиши бўйича 84 та тадқиқот ўтказилган. Аммо (2,3 миллион бемор) таҳлилда (2018) ва қўлланилган ташхислаш мезонлари бири биридан фарқ қилган (халқародан маҳаллийгача). ГҚДнинг умумий тарқалишининг ўртача кўрсаткичи 11,5% (95%, ишонч оралиғи (ИО) 10,9–12,1) ташкил этган. Умуман олганда, ушбу ҳудудда ГҚДнинг тарқалиши 2,8% дан (Японияда) 23% гача (Саудия Арабистонида) бўлган.

Бошқа тадқиқотчилар бутун дунё бўйлаб 51 та популяциядан 5 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёлларни танлаб олиб, уларда мета-таҳлил ўтказганлар (Behboudi-Gandevani S., 2019). Ташхислаш мезонларидан қатъий назар, ГҚДнинг умумий тарқалиши 4,4% (95%, ИО 4,3-4,4%) ни ташкил этди. Бироқ IADPSG мезонларидан фойдаланиб ўтказилган кузатувда умумий тарқалиш 10,6% дан юқорилиги аниқланган (95% ИО 10,5-10,6%). Ушбу мета-таҳлилда ГҚД нинг энг паст тарқалиши Австралияда (3,6%) ва энг юқориси Шарқий Осиёда (11,4%) қайд этилган. Марказий Осиё мамлакатларидан ГҚД нинг тарқалиши фақат Туркманистонда ўрганилган ва бу 6,3% ташкил этган (Parhofer KG, 2014). Бироқ, тадқиқот фақат мамлакат пойтахтидаги битта касалхонада ўтказилган ва бу мамлакат умумий ҳолатини акс эттирмаслиги мумкин.

Амалий тиббиёт учун кейинги муҳим масала ҳомиладорлик диабетини башорат қилиш ҳисобланади. Илк башорат моделларидан бири Naylor C.D. (1997) томонидан таклиф қилинган бўлиб, унда клиник тавсифларига кўра беморларни паст, ўрта ва юқори хавф гуруҳлари бўйича тақсимлаш учун қўлланилган. Бундай ёндашув анъанавий стратегияга билан қиёслаганда ГҚД

скрининг тестларининг 35%га камайишига ва бу касаллик аниқланишининг ортишига олиб келди.

Кейинроқ ГҚДни аниқлаш самарадорлигини ошириш учун асосий клиник омиллар биокимёвий маркерлар билан биргаликда қўлланилди. Масалан, Wang Y. гуруҳи тадқиқотчилари рутин биокимёвий ўзгаришлар (оч қоринга глюкоза ва триглицеридлар) билан клиник омилларни биргаликда таҳлил қилдилар. Бунда хавфни умумий баҳолаш эгри чизик остидаги майдонни ҳосил қилди (AUC – Area Under Curve) 0,845 (95% ИО=0,805-0,884). Муаллифлар ўз моделларини ГҚДни эрта аниқлашнинг ишончли воситаси сифатида таклиф қилишди (2021).

ГҚДни олдиндан башорат қилиш учун яратилган моделлар, турли хил аҳамиятга эга. Улардан баъзиларида мураккаб алгоритмлардан фойдаланилган, бошқаларининг таннархи эса анча қиммат. Бундан ташқари, ушбу алгоритмларни барча популяциялар учун қўллаш мумкин ёки йўқлиги номаълум. Шунинг учун ўз моделларимизни яратиш зарурияти туғилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. 1964 йилда O'Sullivan ва Mahan биринчи марта 3 соатлик глюкозага толерантлик синамасидан фойдаланган ҳолда ГҚДни аниқлашни таклиф этдилар. Кейинчалик уни аниқлаш, Миллий диабет маълумотлар гуруҳи (1979), Carpenter ва Coustan (1982), шунингдек Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) (1999) томонидан кўриб чиқилди. 2008 йилда Европанинг 15 та марказида (НАРО) 25000 нафар ҳомиладор аёл ўртасида кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилди (Metzger В.Е., 2008). Ушбу тадқиқот натижаларига асосланиб, 2010 йилда Диабет ва ҳомиладорликни ўрганиш халқаро ассоциацияси (IADPSG) барча мамлакатлар учун ягона ёндашув ғояси билан ГҚД ташхислашнинг янги мезонларини муҳокамага олиб чиқди (IADPSG Consensus Panel, 2010). Аммо бугунги кунга қадар ГҚД ташхисига ёндашувлар бўйича ягона келишувга эришилмади.

Шунинг учун, баъзи мамлакатлар ўзларининг ташхис мезонларини афзал кўрадилар: масалан, Буюк Британияда NICE тавсияларида ЖССТ ва АДА мезонларидан фарқ қилувчи атиги 2 та кўрсаткичдан (оч қоринга глюкоза ва юкламалардан 2 соат кейингиси) фойдаланилади (NICE Guideline, 2015). Юқори мослашувчан ёндашув Халқаро акушерлик ва гинекология Федерацияси (FIGO) томонидан таклиф қилинган (Hod M., 2015). Унда ҳомиладорлик қандли диабет ташхиси учун IADPSG/ЖССТ мезонларини қўллаш тавсия қилади, унда ҳар бир мамлакат соғлиқни сақлаш тизимининг имкониятлари ва хусусиятлари ҳисобга олинган. Шундай қилиб, FIGO ҳар бир мамлакатда маҳаллий хусусиятларига қараб ва бошқа мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ГҚДни аниқлаш ва мониторинг қилиш бўйича ўз амалий қўлланмасини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Ўзбекистонда гестацион қандли диабет муаммоси етарлича чуқур ёритилмаган. Диабетли ҳомиладорлик муаммосини ўрганиш 1986 йилда Т. К. Шевченконинг илмий ишларидан бошланган. Кейинроқ бу масала М.Т. Рахимжонова томонидан ўрганилган. Аммо фақат И.М.Тожиеванинг (2021) илмий ишлари бевосита ГҚДга бағишланган. Ушбу масалани Республикамизда ўрганишни мураккаблаштирувчи ҳолат бу ҳозирги кунгача

ҳомиладор аёллар рўйхатга олингандан кейинги олиб бориладиган кузатув ва текширув стандартларига ГҚДнинг киритилмаганлигидир. Ушбу касалликни яққол белгилари йўқлиги сабабли аксарият аёлларга ГҚД ташхиси қўйилмайди ёки анча кеч муддатларда, ушбу унинг ҳомила организмга салбий таъсири намоён бўлгандагина аниқланади. Ундан ташқари, ҳомиладорларда ГҚДни аниқлаш учун глюкоза юкламаси билан синама ўтказилиши керак. Бу эса ҳар доим ҳам худудларда бажарилмайди, қўшимча иқтисодий харажатлар ва вақт талаб қилади.

Таъкидлаш лозимки, ГҚДни ташхислашнинг замонавий мезонлари фақатгина Европанинг тиббиёт марказларида ўтказилган НАРО тадқиқотларга таянади. Ушбу тадқиқотларда эса Осиё, Африка популяцияларининг этник хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Уларда «тадқиқотлардан олинган маълумотларни барча этник популяцияларга тадбиқ қилиш мумкинми?» деган савол пайдо бўлади.

Диссертация мавзусининг у бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда амалий илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гестацион қандли диабетнинг тарқалиши, унга чалинган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғишнинг асоратлари, хавф омилларини баҳолаш, ҳомиладорликнинг дастлабки босқичида гестацион диабетни башорат қилиш дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида ҳомиладор аёллар орасида гестацион қандли диабетнинг тарқалишини ўрганиш;

гестацион қандли диабетнинг хавф омилларини интеграл баҳолаш;

гестацион қандли диабет ва 1-, 2-турдаги ҚД ҳолатларида клиник, биокимёвий кўрсаткичлар, ҳомиладорликнинг кечиши ҳамда оқибатларини қиёсий таҳлил қилиш;

гестацион қандли диабет билан оғриган оналарнинг янги туғилган чақалоқларида неонатал асоратларнинг учрашини ўрганиш;

гестацион қандли диабет билан оғриган аёлларда қалқонсимон без касалликларининг учрашини ўрганиш;

гестацион қандли диабет бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши, туғриқ ва туғриқдан кейинги кузатувни аниқлаш ва мониторинг қилиш алгоритминини мувофиқлаштириш;

ҳомиладорликнинг дастлабки босқичида гестацион қандли диабет хавфини баҳолаш учун компютер дастурини ишлаб чиқиш

Тадқиқот объекти сифатида Республиканинг 6 та вилоятидан олинган 2037 нафар ҳомиладор аёлларнинг скрининг маълумотлари ва РИЭИАТМ га мурожаат қилган ГҚДга чалинган 55 нафар ҳомиладор аёлларнинг клиник-лаборатор текширувлари кўрсаткичлари ҳамда 1- (50 нафар) ва 2-турдаги ҚД (33 нафар) ҳомиладорлар ва углевод алмашинуви бузилмаган ҳомиладор аёлларнинг (26 нафар) қиёсий натижалари, шунингдек, республика скрининг

марказига мурожаат қилган ва РИЭИАТМда қўшимча текширувлардан ўтган углевод алмашинувида бузилишлари бўлмаган 306 нафар ҳомиладор аёлнинг клиник-лаборатор текширув маълумотлари олинган.

Тадқиқот предмети сифатида ҳомиладор аёлларнинг клиник, биокимёвий, гормонал текширишлар учун вена қони ва қон зардоблари наъмуналарини текшириш натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида эпидемиологик, антропометрик (бел айланаси - БА ва сон айланаси - СА, бўйи ва тана вазнини ўлчаш, тана вазни индексини – ТВИ ҳисоблаш), сўровнома, биокимёвий (оч қоринга глюкоза, юкламадан кейин, постпрандиал, липид спектри, мочевино, креатинин, коагулограмма, гликирланган гемоглобин), ҳомиладорлик билан боғлиқ бўлган А зардоб гликопротеинлари даражасини таҳлил қилиш (РАРР-А), одамнинг хорионик гонадотропини (ОХГ), гормонал (инсулин, С-пептид, тиреотроп гормони (ТТГ), эркин Т4 (тироксин), тиреопероксидазага қарши антитанача (АТ-ТПО), АТ-ТГ (тиреоглобулинга қарши антитанача), Д витамини, асбобий - қон босим (ҚБ), қалқонсимон без ва ҳомиланинг ультра товуш текшируви (УТТ) ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорликдан олдин ва ҳомиладорлик пайтида семириш, кўп сонли ҳомиладорлик ва артериал гипертензия мавжуд бўлганда гестацион қандли диабетнинг ривожланиш хавфи асосланган;

гестацион қандли диабетни аниқлаш алгоритми такомиллаштирилган ва даволаш босқичлари (компенсацияга эришилишига, ультра-товушли тадқиқот бўйича ҳомила вазнига қараб) ҳамда аёлларни туғруқдан кейинги юритуви билан тўлдирилган;

3,5 кг.дан ортиқ туғилиш вазни, ҳомиладорлик давридаги 30 дан катта ёш, ҳомиладорликнинг 1-триместрида бел айланаси 90 см.дан ошиши ва қалқонсимон без патологияси (аутоиммун тиреоидит, субклиник гипотиреоз) мавжудлиги гестацион қандли диабет ривожланишига ёрдам берадиган омиллар эканлиги исботланган;

олдинги ҳомиладорликда ҳомиладор аёлда преэклампсия мавжудлиги, С-пептид даражаси $>1,67$ нг/мл (ҳомиладорликнинг 1-триместрида) ва оилада 2-тур қандли диабет мавжудлиги гестацион диабетни юзага келиш хавфини ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ГҚД ривожланишига мойил бўлган (30 ёшдан катта бўлиши, ортиқча вазн, бел >90 см бўлиши, туғилиш вазни $>3,5$ кг бўлиши, қалқонсимон без патологиясининг мавжудлиги (аутоиммун тиреоидит, субклиник гипотирозидизм), қандли диабетга ирсий мойиллик, гипертензив бузилишлар, жарроҳлик амалиёти ёрдамида туғиш ва меъёридан катта вазндаги ҳомиланинг анамнезда қайд этилган аёллар гуруҳи аниқланган;

глюкозага толерантлик синамасини ўтказиш муддати ва зарурияти ГҚД хавфи даражасига кўра аниқланган;

ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида ГҚД ривожланиш хавфини тахмин қилиш учун компьютер дастури ишлаб чиқилган;

ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида ГҚД хавфини баҳоловчи компьютер дастуридан фойдаланиш ҳомиладорликнинг 11-13 ҳафтасидан бошлаб профилактика ва терапевтик тадбирларни ўтказишни бошлаш имконини берган (бемор ва соғлиқни сақлаш тизими томонидан энг кам харажат билан).

Илмий натижаларнинг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашувнинг тўғрилиги ва эпидемиологик, антропометрик, биокимёвий, гормонал ва инструментал тадқиқот усуллардан фойдаланилганлиги, етарли даражадаги беморлар сони, олинган маълумотларни чуқур таҳлил қилинганлиги, миқдорий натижаларга замонавий статистик усулларда ишлов берилганлиги, олинган маълумотларнинг халқаро ва мамлакат тиббиётида олинган тажриба натижалари билан таққосланганлиги, шунингдек ушбу натижалар бўйича ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти биринчи марта мамлакатда ГҚД тарқалиши бўйича маълумотлар ва вилоятлар бўйича ўзбек популяциясида ҳомиладорлик даврида ГҚД ривожланишига энг катта таъсир кўрсатадиган клиник, анамнестик ва антропометрик омиллар аниқланиб, ҳомиладор аёлларда ГҚД ва 2-тур ҚД ўртасидаги антропометрик, биокимёвий ва клиник кесишиш нуқталари ҳамда туғриқдан кейинги даврдаги углевод алмашинуви бузилишининг учраш сони аниқланиб, ГҚД ривожланиш хавфи мавжуд бўлганда ҳар бир кўрсаткичининг прогностик аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида ГҚД эҳтимолини баҳолаш учун компьютер дастуридан фойдаланиш имконияти билан изоҳланиб, бу минимал харажат билан профилактика ва терапевтик тадбирларни ўтказишни бошлашга имкон яратиши, ушбу дастурдан фойдаланиш барча ҳомиладор аёллар учун глюкозага толерантлик синамасига бўлган эҳтиёжни камайтириши, ГҚДни ўз вақтида аниқлаш натижасида даволаниш харажатларининг пасайишига олиб келади, шу билан бирга, ҳомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги давр асоратларининг олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиалининг 2023 йил 3 июлдаги 42-І-сон буйруғи, Андижон вилоят филиалининг 2023 йил 28 майдаги 18/2 «У»-сон буйруғи, Жиззах вилоят филиалининг 2022 йил 30 декабрдаги 111-сон буйруғи ва Қашқадарё вилоят филиалининг 2023 йил 3 майдаги 52-Т-сон буйруғи билан амалиётга татбиқ қилинган.

Анамнез маълумотларини тўплаш ва ҳомиладор аёлларда тана вазни индексини баҳолаш орқали гестацион қандли диабет ташхислаш битта беморга сарфланган маблағдан 300 минг сўм тежаш имконини берган.

Ҳомиладор аёлларда углевод алмашинуви бузилишларини эрта аниқлаш ҳар бир беморда ўртача 300 000 сўмдан 4 000 000 сўмгача тежаш имконини берган.

Анамнез ва антропометрия маълумотларидан фойдаланиш гестацион қандли диабетни эрта ташхислашга ёрдам беради ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида гестацион диабет ташхисини оптималлаштириш ва уни ўз вақтида даволаш маблағ ва вақтни тежаш имконини беради. Шунингдек, ҳомиладор аёлларни учинчи даражали туғруқхоналарга ётқизиш сонини камайтириш ҳисобига ҳар бир бемордан қўшимча 4 000 000 – 8 000 000 сўм маблағ тежалади.

Атажанова Муборак Машариповнанинг «Гестацион қандли диабет: тарқалганлиги, хавф омиллари, прогнозлаш ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш жараёнига таъсири» мавзусидаги диссертация ишининг илмий янгиликларини жорий этиш тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 8н-д/47-сон хулосаси.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 3 ҳалқаро ва 7 Республикада бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 35та илмий мақолалар эълон қилиниб, улар Олий аттестация комиссиясининг диссертация ишининг асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий журналлар саҳифаларида 13та, улардан 11таси республика ва 2таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Унинг умумий ҳажми 168 та саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган, шунингдек чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» номли биринчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, уларда мавзуга бағишланган тадқиқотлар таҳлили баён этилган. Унинг биринчи бўлимида ГҚД ташхиси ва скринингига ёндашувлар, вақт ўтиши ва тиббиётнинг ривожланиши билан кузатилган ўзгаришлар кўриб чиқилган. ЖССТ, АДА, NICE ва FIGO каби етакчи илмий ташкилотларнинг тавсиялари солиштирма ўрганилган. Кейинги бўлимда ҳар хил тадқиқот гуруҳлари томонидан фойдаланилган ГҚДнинг биокимёвий маркерлари очиқ берилган. Сўнги бўлим гестацион қандли диабетни башорат қилиш масалаларига бағишланган. Умуман олганда, адабиётлар шарҳи

ўрганилаётган муаммо бўйича замонавий қарашлар ва кўп марказли тадқиқотларнинг чуқур таҳлилига асосланган.

Диссертациянинг иккинчи «**Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширув ўтказилган аёлларнинг клиник тавсифи, фойдаланилган эпидемиологик, антропометрик, клиник-биокимёвий, гормонал, инструментал и статистик усуллар батафсил ёритилган.

Кўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ мазкур тадқиқотлар уч босқичда ўтказилган.

Биринчи босқичда ҳомиладор аёлларнинг скрининг текшируви Ўзбекистоннинг олти пилот вилоятларида: Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразмда ўтказилган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида WDF таъсис этган «Стратегия профилактики и мониторинга ГҚД в Узбекистане» халқаро гранти доирасида 2017-2020 йилларда амалга оширилди. Босқичнинг асосий вазифаси ГҚДнинг учраш сонини аниқлаш ва ушбу касалликнинг хавф омилларини интеграл баҳолашдан иборат бўлди. 2017-2018 йиллар оралиғида 2037 нафар аёл ҳомиладорликнинг 24-30 ҳафтасида универсал скрининг усулида текширувдан ўтказилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи биокимёвий ва гормонал кўрсаткичларни, шунингдек, ГҚД билан оғриган беморларда ҳомиладорлик натижаларини назорат гуруҳи ҳамда 1 ва 2-тур қандли диабет билан оғриган ҳомиладорларга нисбатан қиёсий баҳолашдан иборат бўлди.

Учинчи босқичнинг мақсади, ГҚДга чалинган аёлларнинг биокимёвий кўрсаткичлари асосида ГҚД ривожланиш хавфини ҳомиладорликнинг эрта муддатларида баҳолаш учун компютер дастури ишлаб чиқиш эди.

Текширув гуруҳларига қалқонсимон без патологияси ва 1 ва 3-босқичлардаги углевод алмашинуви бузилган ҳомиладор аёллар киритилмаган.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш IBM SPSS Statistics 23 дастури ёрдамида бажарилди. Миқдорий кўрсаткичлардаги статистик жиҳатдан муҳим фарқларни аниқлаш учун Уилкоксоннинг даражалар йиғиндиси мезонидан фойдаланилди, сифат ўлчовлари учун эса Фишернинг аниқ мезони қўлланилди. Гуруҳлараро фарқлар $p < 0,05$ да аҳамиятли деб ҳисобланди. Имкониятлар нисбати ва 95% ишонч оралиғида (ИО) ҳисоблаб чиқишда Э. Н. Шиганнинг Баес эҳтимоллигига асосланган интенсив кўрсаткичларни стандартлаштириш усули қўлланилган. Ҳар бир хавф омили учун меъёрлаштирувчи интенсив кўрсаткич, нисбий хавф кўрсаткичи ва интеграл баҳолаш (ИБ) ҳисоблаб чиқилди.

Омилларнинг прогностик қиймати ROC- эгри чизиғини қуриш билан ROC- таҳлил ўтказиб (Receiver Operator Characteristic) баҳоланди.

Диссертациясининг «**Ўзбекистон вилоятларида гестацион қандли диабет ривожланишининг тарқалиши ва хавф омиллари**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасининг 6 та вилоятида ўтказилган 2037 нафар ҳомиладор аёлнинг скрининг текшируви натижалари келтирилган. ГҚД 193 нафар ҳомиладор аёлларда (9,47%) аниқланган. Қолган 1844 ҳомиладор аёлларда углевод алмашинувининг бузилиши аниқланмади ва улар назорат гуруҳини ташкил этдилар.

ГҚД билан касалланган ҳомиладорларнинг ёши нисбатан катта бўлиб, ўртача $28 \pm 4,94$, соғлом ҳомиладор аёллар эса $26,9 \pm 4,94$ ёшда эдилар ($p < 0,01$). Тана вазни бўйича ҳам фарқлар мавжуд бўлиб ГҚД бўлган ҳомиладорларни назорат гуруҳи билан солиштирганда, ТВИ ҳомиладорликдан олдин ҳам (мос равишда $25,72 \pm 5,51$ кг/м² ва $24,18 \pm 4,64$ кг/м²; $p < 0,01$) ва орал глюкозага толерантлик синамаси даврида ҳам (мос равишда $27,85 \pm 5,79$ кг/м² ва $26,39 \pm 4,82$ кг/м² юқори бўлган; $p < 0,01$). ГҚД гуруҳида оч қоринга глюкоза даражаси назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори бўлди (мос равишда $5,93 \pm 0,74$ ммол/л ва $4,43 \pm 0,25$ ммол/л; $p < 0,001$). 75 г глюкоза юкламасидан кейин 1 соат ўтгандан кейин ҳам бу кўрсаткичлар сезиларли даражада фарқ қилди ($10,58 \pm 0,91$ ва $7,55 \pm 0,63$ ммол/л; $p < 0,001$).

Ҳар иккала гуруҳда ҳомиладорлик қандли диабетни хавф омиллари таҳлил қилинди. ТВИ $35-39,9$ кг/м² қиймат оралиғида бўлганда (2,214; 95% ИО 1,13-4,33), 35-40 ёшдаги гуруҳларда (1,554; 95% ИО 0,96-2,5), ҚДга ирсий мойиллик мавжудлиги (1,374; 95% ИО 0,94-1,99) ва ҳомиладорлик даврида ортикча вазн кўшилиши (1,342; 95% ИО 0,92-1,96) юқори бўлиб уларда ГҚД ривожланиш эҳтимоли ортди.

Кейинчалик, 6 та вилоят учун ГҚД хавфи кўрсаткичлари бўйича интеграл баҳолаш ўтказилди. Унда қуйидаги омиллар баҳоланди: кузатувдагиларнинг ёши, таълим даражаси, ҳомиладорликдан олдинги ТВИ, глюкоза толерантлик синамаси вақтидаги ТВИ, ҳомиладорликдан олдин ва синама пайтида ортикча тана вазнининг мавжудлиги, анамнезида ҳомиладорликлар сони, диабетга ирсий мойиллик, ҳар қандай олдинги ҳомиладорлик учун 15 кг дан кўп тана вазнининг ортиши, бола тушишлари, ўлик бола туғилишлари, ҚБ > 140/90 мм сим. уст., преэклампсия ҳамда бола ривожланишидаги туғма нуқсонлар ва меъридан катта вазнда бўлган ҳомила (4 кг дан ортик).

Текширувларимизда шу маълум бўлдики, ҳомиладорлик давридаги семириш (2,53), ўтган ҳомиладорликлар сони (ҳар бир ҳомиладорликда ортган хавф - 2,42), ҳомиладорликдан олдинги ортикча вазн ва семириш (2,12), преэклампсия (2,03), гипертония (1,78), касаллик тарихида ўлик туғилган бола (1,58), диабетга ирсий мойиллик (1,26), олдинги ҳомиладорликлардаги ортикча вазнининг ўсиши (1,23) каби омиллар энг хавфли бўлиб чиқди.

Биз алоҳида ҳар бир вилоятда ГҚД ривожланиши хавф омилларини интеграл баҳолашни амалга оширдик. Республикаимизнинг 6 та вилоятида ҳомиладор аёлларнинг скрининг-текширувлари асосида ГҚДни тахшишлаш бўйича олдиндан мавжуд бўлган алгоритмни ниҳоясига етказдик. Алгоритм даволаш босқичлари билан тўлдирилди ва бу дастур бир вақтнинг ўзида шифокорлар учун йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади. Алгоритмга аёлни ҳомиладорликнинг 1-уч ойлигидан токи туғруқдан кейинги кузатувгача бўлган даврдаги назорати, шу жумладан туғруқдан кейинги углевод алмашинуви бузилишларини қайта таснифлаш босқичлари ҳам киритилган.

Тўртинчи боб «Гестацион ва 1 ҳамда 2 тип қандли диабетнинг клиник-биокимёвий кўрсаткичлари ва ҳомиладорлик оқибатларини солиштирма ўрганиш» деб номланган. ГҚД бўлган ҳомиладорларнинг клиник, биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлари шунингдек ҳомиладорлик

натижалари меъёрида бўлган аёллар ҳамда 1 ва 2-тоифа диабетга чалинган ҳомиладор аёллар билан қиёсий баҳоланди. 1-уч ойликнинг охирига келиб 9 нафар аёлда, иккинчисида 22 ва 3- уч ойликда 24 нафар аёлда ГҚД аниқланди.

Ёш бўйича ГҚД бўлган ҳомиладорлар соғлом ҳомиладор аёллардан статистак ишонарли катта ($33,09 \pm 5,33$ ёшга нисбатан $30,56 \pm 5,13$ ёш; $p < 0,05$) фарқ аниқланди. Асосий гуруҳ 1-тур ҚД ҳомиладорларидан ($25,50 \pm 4,01$ ёш; $p < 0,001$) юқори ишончли фарқ қилди. 2-тур ҚД мавжуд аёллар билан солиштирганда деярли фарқ қилмади ($33,125 \pm 4,51$; $p > 0,05$). ГҚДга чалинган ҳомиладорларда, ундан олдинги ТВИ ортиқча вазн мавжуд бўлган ораликқа тўғри келади ($28,82 \pm 6,43$) ва ушбу кўрсаткич назорат гуруҳига ($23,78 \pm 4,2$; $p < 0,001$), 1-тур диабетга чалинган ҳомиладорларга ($22,11 \pm 2,85$; $p < 0,001$) нисбатан сезиларли даражада юқори ва 2-тоифа диабети бўлган аёллар билан деярли бир хилда ($29,47 \pm 6,19$; $p > 0,05$) бўлди. Шунга ўхшаш ТВИ кўрсаткичлари ҳомиладорлик пайтида ҳам кузатилди. Туғриқдан сўнг тана вазни индекси бирмунча ўзгарган бўлса ҳам мойиллик сақланиб қолди. ГҚД ва 2-тур ҚД бўлган ҳомиладорлар тана вазнининг ортиши кузатилди. Аммо 1-тур ҚД бўлган ҳомиладорларда тана вазнининг ортиши қайд этилмади. Маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Кузатувдаги ҳомиладор аёлларнинг антропометрик ва бошқа кўрсаткичлари тавсифи

Кўрсаткичлар	ГҚД	Соғлом	1 тур ҚД	2 тур ҚД
Ёши	$33,1 \pm 5,3$	$30,6 \pm 5,1^*$	$25,5 \pm 4,0^{***\wedge\wedge}$	$33,1 \pm 4,5^{\#\#\#}$
ТВИ ҳомиладорликкача, кг/м ²	$28,8 \pm 6,4$	$23,8 \pm 4,2^{***}$	$22,1 \pm 2,9^{***\wedge}$	$29,5 \pm 6,2^{\wedge\wedge\#\#\#}$
ТВИ ҳомиладорлик вақтида, кг/м ²	$31,8 \pm 7,1$	$25,5 \pm 4,5^{***}$	$24,9 \pm 3,9^{***}$	$32,3 \pm 6,1^{\wedge\wedge\#\#\#}$
Туғриқдан кейинги ТВИ, кг/м ²	$29,6 \pm 6,3$	$24,9 \pm 3,8^{***}$	$22,6 \pm 2,3^{***\wedge}$	$30 \pm 5,8^{\wedge\wedge\#\#\#}$
Ҳомиладорнинг туғилган пайтдаги оғирлиги	$3583,8 \pm 367$	$3166,8 \pm 355,3^{***}$	$3666,7 \pm 305,5^{\wedge}$	$3576,3 \pm 303,2^{\wedge\wedge}$
Бел айланаси, см, 1 уч ойликда	$95,1 \pm 10,7$	$78,6 \pm 9,6^{***}$	$78 \pm 7,1^{***}$	$96,1 \pm 10,6^{\wedge\wedge\#\#\#}$
Бел айланаси, см, 2 уч ойликда	$100,5 \pm 13,4$	$83,8 \pm 9,8^{***}$	$86,3 \pm 10,2^{***}$	$105,3 \pm 11,4^{\wedge\wedge\#\#\#}$
Бел айланаси, см, 3 уч ойликда	$112,5 \pm 14,1$	$95,4 \pm 9,9^{***}$	$94,2 \pm 9,1^{***}$	$112,1 \pm 11,5^{\wedge\wedge\#\#\#}$

Изоҳ: *- $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$ – ГҚД гуруҳига нисбатан статистик ишончлилик, ^- $p < 0,05$, ^^ - $p < 0,01$, ^^ - $p < 0,001$ – соғлом аёллар гуруҳига нисбатан статистик ишончлилик, #- $p < 0,05$, ## - $p < 0,01$, ### - $p < 0,001$ – 1-тур ҚД гуруҳига нисбатан статистик ишончлилик.

Барча уч ойликларда бел айланаси бўйича гуруҳлар орасида ҳам фарқлар мавжуд бўлди: ГҚД бўлган ҳомиладор аёлларда бу кўрсаткич сезиларли даражада юқори ($95,1 \pm 10,7$ см; $100,5 \pm 13,4$ см; $112,5 \pm 14,1$ см; $p < 0,001$), соғлом ҳомиладор аёллар ($78,6 \pm 9,6$ см; $83,8 \pm 9,8$ см; $95,38 \pm 9,9$ см; $p < 0,001$) ва 1-тип ҚД ҳомиладор аёлларниқидан ($78 \pm 7,1$ см; $86,3 \pm 10,2$ см; $94,23 \pm 9,1$ см;

$p < 0,001$) юқори ва 2-тип диабети бўлган ҳомиладор аёлларниқидан озгина камроқ ($96,1 \pm 10,6$ см; $105,3 \pm 11,4$ см; $112,14 \pm 11,5$ см; $p > 0,05$) бўлди.

Қизиғи шундаки, кейинчалик ГҚД ривожланган аёлларнинг туғилган пайтидаги вазни назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори бўлган ($3583,8 \pm 367,0$ г ва $3166,8 \pm 355,3$ г; $p < 0,001$) ва ушбу вазн 1- ва 2 тур ҚД ривожланган ҳомиладорларниқидан деярли фарқ қилмаган ($3666,7 \pm 305,5$ г ва $3576,3 \pm 303,2$ г; $p > 0,05$).

Биз ҳомиладорликнинг уч ойликлари бўйича 4 та гуруҳдаги аёлларнинг биокимёвий кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Қуйида уларнинг энг муҳимларига тўхталамиз: 1 – уч ойликда оч қоринга глюкоза даражаси ГҚД мавжуд аёллар гуруҳида назоратга нисбатан сезиларли даражада юқори (мос равишда $4,86 \pm 0,88$ ва $4 \pm 0,55$ ммол/л; $p < 0,001$); овқатлангандан 1 соат шундан кейин глюкоза даражаси юқори бўлса ҳам, ишонарли фарқ кузатилмади (мос равишда $7,9 \pm 1,98$ ва $6,8 \pm 1,13$ ммол/л; $p > 0,05$). Бир вақтнинг ўзида бу кўрсаткичлар 1-тур ҚД да ($6,61 \pm 2,04$ ммол/л; $p < 0,001$) ва 2-тип ҚД ($7,35 \pm 2,31$ ммол/л; $p < 0,001$) ҳомиладорларниқига нисбатан паст бўлди. 2-уч ойликда ГҚД бўлган ҳомиладорлар гуруҳида овқатдан олдинги глюкоза даражаси (мос равишда $5,57 \pm 0,89$ ммол/л га ва $4,12 \pm 0,4$ ммол/л; $p < 0,001$) ва овқатдан кейин (мос равишда $8,66 \pm 1,5$ ммол/л ва $6,33 \pm 0,55$ ммол/л; $p < 0,001$), шунингдек, гликогемоглобин (мос равишда $5,19 \pm 0,55\%$ ва $4,78 \pm 0,55\%$; $p < 0,05$) назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори, аммо 1-тур диабет бўлган (овқатланишдан олдин $6,44 \pm 1,56$ ммол/л, $p < 0,01$; овқатдан кейин $10,7 \pm 2,31$ ммол/л, $p < 0,001$; HbA1c $7,05 \pm 0,64\%$, $p < 0,001$) ва 2-тур диабет бўлган ҳомиладорларга (овқатланишдан олдин $6,37 \pm 1,54$ ммол/л, $p < 0,05$) овқатдан кейин $9,49 \pm 2,08$ ммол/л, $p < 0,05$; HbA1c $6,67 \pm 0,8\%$, $p < 0,001$) нисбатан паст бўлди. Худди шундай ҳолат учинчи уч ойликда ҳам кузатилди.

1-уч ойликда ГҚД гуруҳидаги аёлларда липид спектри бўйича умумий холестерин (мос равишда $4,1 \pm 1,9$ ммол/л га ва $3,53 \pm 0,87$ ммол/л; $p < 0,05$) ва триглицеридларнинг (мос равишда $1,22 \pm 0,56$ ммоль/л ва $0,9 \pm 0,22$ ммоль/л; $p < 0,01$) ҳар иккаласи ҳам назорат гуруҳидан ишонарли даражада юқори эди. Ушбу гуруҳдаги аёлларда холестерин ва триглицеридлар концентрациялари бўйича 1- ва 2-тип диабетга чалинган гуруҳдагиларга нисбатан сезиларли фарқ кузатилмади. 2-уч ойликда ГҚД гуруҳида умумий холестерин даражаси назорат гуруҳидаги ва ҚДнинг ҳар иккала туридаги гуруҳлар кўрсаткичлари билан деярли бир хил бўлди. Шу билан бирга, ГҚД гуруҳида триглицеридлар даражаси назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада (мос равишда $1,91 \pm 0,62$ ммол/л га ва $1,5 \pm 0,21$ ммол/л; $p < 0,01$) юқори, 1-тур ҚД гуруҳига ($1,7 \pm 0,21$ ммол/л, $p > 0,05$) нисбатан ишончсиз юқори, лекин 2-тур диабетга қараганда ($2,25 \pm 0,67$ ммол/л; $p < 0,05$) анча паст бўлди. Умумий холестерин даражаси кўтарилишни давом этди ва 3-уч ойликда ҳам ўхшаш ҳолат аниқланиб ГҚД гуруҳида назорат гуруҳидагилардан юқори бўлди (мос равишда $5,95 \pm 0,58$ ммол/л ва $5,57 \pm 0,37$ ммол/л; $p < 0,001$). Лекин ҚДнинг ҳар иккала туридаги гуруҳлардагидан деярли фарқ қилмади (1-тур ҚД $5,98 \pm 0,78$ ммол/л; 2-тур ҚД $5,84 \pm 0,71$ ммол/л). ГҚД гуруҳида назоратга нисбатан жуда паст зичликдаги липопротеинлар (ЖПЗЛП) (мос равишда $1,26 \pm 0,49$ ва $0,95 \pm 0,37$ ммол/л; $p < 0,01$) ва триглицеридлар (мос

равишда $2,88 \pm 0,63$ ва $2,17 \pm 0,54$ ммол/л; $p < 0,001$) ишонарли даражада юқори бўлди. Бунда ҳатто 1-тоифа ҚД гуруҳидан ҳам юқорилиги (ЖПЗЛП $0,92 \pm 0,36$ ммоль/л; $p < 0,001$ ва ТГ $2,41 \pm 0,7$ ммоль/л; $p < 0,001$) аниқланди. Аммо ЖПЗЛП ($1,1 \pm 0,45$ ммол/л; $p > 0,05$) ва триглицеридлар кўрсаткичлари бўйича 2-тур диабетдан ($3,36 \pm 2,09$ ммол/л; $p > 0,05$) сезиларли фарқ қилмади.

Биринчи уч ойликдан бошлаб қалқонсимон без ҳолатида маълум ўзгаришлар қайд этилди: тиреотроп гормон (ТТГ) даражаси назорат гуруҳига (мос равишда $2,8 \pm 1,3$ мМЕ/мл/мл ва $1,99 \pm 1,63$ мМЕ/мл/мл; $p < 0,05$) ҳамда 1-тур диабет гуруҳига нисбатан ($2,27 \pm 1,2$ мМЕ/мл; $p < 0,05$) ишонарли даражада юқори ва 2-тур диабет гуруҳи билан деярли бир хил ($2,31 \pm 1,05$ мМЕ/мл; $p > 0,05$) натижа кўрсатди. Шу билан бирга, ГҚД мавжуд аёллардаги эркин тироксин ($1,07 \pm 0,33$ нг/дл, назорат $1,28 \pm 0,3$ нг/дл, $p < 0,05$), қолган бошқа гуруҳ хомиладорлари билан солиштирганда (1-тур ҚД $-1,22 \pm 0,32$ нг/дл, $p < 0,05$; 2-тур ҚД $-1,33 \pm 0,3$ нг/дл, $p < 0,01$) сезиларли даражада пастлиги аниқланди. Худди шу тиреопероксидазага қарши антитанача кўрсаткичига ҳам тегишли: уларнинг даражаси асосий ($44,29 \pm 23,48$ мМЕ/мл, $p < 0,001$) ва назорат гуруҳида ($22,89 \pm 9,74$ мМЕ/мл, $p < 0,001$), 2-тур ҚД гуруҳига ($27,7 \pm 23,72$ мМЕ/мл, $p < 0,001$) нисбатан сезиларли даражада юқори. Тиреопероксидазага қарши антитанача даражаси 1-тур ҚД гуруҳига ($44,83 \pm 35,14$ мМЕ/мл, $p > 0,05$) қиёслаганда, улар бир хил бўлди. Бу ГҚД гуруҳи мавжуд аёлларда аутоиммун тиреоидит ва субклиник гипотирозидизм мавжудлигини кўрсатади.

2-уч ойликда қалқонсимон без ҳолатидаги фарқлар сақланиб қолди: ТТГ даражаси ($3,36 \pm 0,59$ мМЕ/мл; $p < 0,001$) бошқа учта гуруҳларга нисбатан анча юқорилиги аниқланди (назорат $2,7 \pm 0,65$ мМЕ/мл; $p < 0,001$, ҚД1 $-2,92 \pm 1,17$ мМЕ/мл; $p < 0,01$ ва ҚД2 $-2,72 \pm 1,04$ мМЕ/мл; $p < 0,001$). Т4 кўрсаткичлари эса сезиларли фарқ қилмади. АТ-ТПО кўрсаткичлари, ГҚД гуруҳларида назорат гуруҳи (мос равишда $39,46 \pm 16,29$ мМЕ/мл ва $16,38 \pm 7,51$ мМЕ/мл; $p < 0,001$) ва 1-ҳамда 2-турлардаги ҚД ($32,04 \pm 26,08$ мМЕ/мл) гуруҳлари билан солиштирганда сезиларли даражада юқорилигича қолди (мос равишда $32,04 \pm 26,08$ мМЕ/мл; $p < 0,01$ ва $26,82 \pm 12,95$ мМЕ/мл; $p < 0,001$)

Худди шундай ҳолат 3-уч ойликда ҳам кузатилди: ГҚД гуруҳидаги ТТГ, назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори (мос равишда $3,38 \pm 0,88$ мМЕ/мл ва $2,58 \pm 0,94$ мМЕ/мл; $p < 0,001$), шунингдек, ҚД1 ($2,98 \pm 0,95$ мМЕ/мл; $p < 0,05$) ва ҚД2 ($2,75 \pm 0,82$ мМЕ/мл; $p < 0,01$) ушбу ҳолат қайд этилди. Эркин Т4 даражаси 1- ва 2-тип ҚД (1-тип $-1,22 \pm 0,29$ нг/дл, $p > 0,05$; 2-тип $-1,19 \pm 0,24$ нг/дл, $p > 0,05$) сезиларли фарқ қилмади, аммо бу кўрсаткич назорат гуруҳига ($1,24 \pm 0,27$ нг/дл ва назорат гуруҳи $-1,43 \pm 0,23$ нг/дл, $p < 0,01$) қараганда пастроқ бўлди. ГҚД гуруҳида АТ-ТПО даражаси пасайди, аммо назорат гуруҳига қараганда 2 барабар юқори (мос равишда $30,37 \pm 11,78$ мМЕ/мл ва $14,71 \pm 6,64$ мМЕ/мл; $p < 0,001$), 1-тур диабет гуруҳи ($31,05 \pm 16,84$ мМЕ/мл; $p > 0,05$) билан бир бирига яқин ва 2-тур диабетга қараганда эса юқори ($22,24 \pm 10,93$ мМЕ/мл; $p < 0,01$) кўрсаткичлар қайд этилди.

ТТГ кўрсаткичи юқори бўлган ва АТ-ТПО титрлари ижобий бўлган хомиладорларга левотироксин билан гормонал алмаштириш терапияси

ўтказилди. Иккинчи ва учинчи уч ойликларда уларнинг юқори даражаси ҳомиладорлик диабетининг янги ҳолатларининг қўшилиши билан боғлиқ.

Мазкур ҳомиладорликда ҳомиланинг ўлчами ултратовуш текшируви маълумотларига кўра ГҚД беморларда бош айланаси $210,7 \pm 44,8$ мм ва $294,4 \pm 31,4$ мм ($p < 0,05$), назоратга нисбатан қорин айланаси (ҚА): мос равишда $313,9 \pm 32,3$ мм ва $294,4 \pm 31,4$ мм ($p < 0,05$). Ушбу кўрсаткичлар қиймат жиҳатдан 1 ва 2-тур ҚД бўлган аёллардаги каби кўрсаткичлар оралиғида бўлди. Бу натижа эса ГҚД билан оғриган баъзи беморларда диабетик фетопатия мавжудлигини кўрсатади. Улардан туғилган янги туғилган чақалоқларнинг тана вазни назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори (мос равишда $3489,3 \pm 725,9$ г ва $3228 \pm 378,3$ г; $p < 0,05$), 1-тур диабетга ($3537,8 \pm 819,9$ г; $p < 0,001$) нисбатан бир оз пастроқ, 2-тур ҚД бўлган оналарнинг янги туғилган чақалоқларининг вазни ($3574,1 \pm 720,3$ г; $p > 0,05$) билан солиштирилиши мумкин.

ГҚД бўлган ҳомиладорларда туғиш усуллари ҳам назорат гуруҳидан фарқ қилди ва мустақил туғиш эҳтимоли ишонарли даражада кам бўлди ($25,5 \pm 5,9\%$, назоратда $63 \pm 9,5\%$; $p < 0,001$) ҳамда шошилиш кесер кесиш усулида туғиш кўп учради ($23,6 \pm 5,8\%$; назоратда 0, $p < 0,01$). Ушбу ҳолатда мустақил туғишлар сони (ҚД 1-да $22 \pm 5,9\%$ ва ҚД 2-да $21,9 \pm 7,4\%$; $p > 0,05$) ва шошилиш кесер кесиш ҳар иккала турдаги ҚД билан қиёсланиши мумкин (мос равишда $18 \pm 5,5\%$ ва $25 \pm 7,8\%$, $p > 0,05$). Туғиш муддати ГҚД билан касалланган гуруҳ ҳомиладорларида ҳам ишонарли даражада фарқ қилди. Улар соғлом аёлларга қараганда бир оз эрта ($37,1 \pm 2,7$ ҳафта нисбатан $38,96 \pm 1,37$ ҳафта, $p < 0,001$), лекин ҳар иккала турдаги ҚД бўлган аёлларга қараганда кечроқ туғди (ҚД 1 - $35,5 \pm 5,11$ ҳафта; $p < 0,01$ ва ҚД 2 - $34,16 \pm 8,49$ ҳафта, $p < 0,05$).

ГҚД аниқланган аёллар кейин ҳам углевод алмашинувининг бузилишлари бўйича кузатувда бўлдилар. Кейинги 5 йил давомида уларнинг 10 тасида ($18,2\%$) 2-тур ҚД, 11 тасида (20%) глюкозага толерантликнинг бузилиши ва яна 1 нафариди ($1,8\%$) оч қоринга гликемиянинг бузилиши (жами 40%) ривожланди.

Шундай қилиб, ортиқча вазли, БА 90 см дан, туғилгандаги вазни $3,5$ кг дан ортиқ ва қалқонсимон без касалликлари (аутоиммун тиреоидит, субклиник гипотиреоидизм) бўлган ҳомиладор аёллар рўйхатга олинган пайтидан бошлаб, ГҚД мавжудлигини текшириш тавсия этилади.

Гестация даврида ГҚД гуруҳи аёлларида вазн ортишида фарқлар мавжудлиги аниқланди. Бунда икки хил ҳолат кузатилди. Ҳомиладорларнинг бир қисми ўртача даражадаги вазнга яна бир қисми эса жуда кўп ортиқча вазнга эга бўлди. Батафсилроқ текширувлар натижасида ГҚД бўлган аёлларни 2 та кичик гуруҳга ажратдик ва улардаги ҳомиладорлик жараёнини таҳлил қилдик. Биринчи уч ойликдаги вазн ортиши ҳомиладорларнинг биринчи кичик гуруҳида $1 \pm 0,25$ кг, иккинчи кичик гуруҳида эса $2,7 \pm 0,4$ кг ($p < 0,01$) ташкил этди. Иккинчи уч ойликнинг охирига келиб, ГҚД билан касалланганлар сони кўпроқ бўлди ва вазн ортиши сезиларли даражада фарқ қилди. Бунда биринчи кичик гуруҳда $6 \pm 0,3$ кг ва иккинчи кичик гуруҳда $10,8 \pm 0,6$ кг ($p < 0,001$) тенг бўлди. Учинчи уч ойликда кўшимча равишда ГҚД билан касалланган яна 24 нафар ҳомиладор аниқланди, аммо юқоридаги ҳолат сақланиб қолди ва туғриқ вақтига келганда

биринчи кичик гуруҳда вазн ортиши $10,5 \pm 0,2$ кг, иккинчи кичик гуруҳда $16,5 \pm 0,4$ кг ни ташкил этди ($p < 0,001$).

Кейинги таҳлиллар давомида ушбу кичик гуруҳлардаги янги туғилган чақалоқларнинг ҳолатида ҳам сезиларли фарқлар мавжудлиги аниқланди. Биринчи кичик гуруҳдаги янги туғилган чақалоқларнинг вазни 2840 ± 160 г, иккинчи кичик гуруҳда эса 3990 ± 290 г ($p < 0,001$) ташкил этди. Иккинчи кичик гуруҳнинг янги туғилган чақалоқларида диабетик фетопатия ишонарли даражада кўп учради (91,3%; 6,25% га нисбатан $p < 0,001$). Шундай қилиб, ГҚД мавжуд бўлган ҳолатда туғишнинг ижобий натижасига эришиш учун, меъёрий гликемия ва уни сақлаб қолишдан ташқари, ҳомиладорлик даврида вазн ортиши қаттиқ назорат қилиниши лозим.

Учинчи босқичда Тошкент шаҳридаги Республика Скрининг марказида углевод алмашинуви бузилиши бўлмаган 306 нафар ҳомиладор аёл ҳомиладорликнинг 11-13 ҳафтасида текширувдан ўтказилди. Бунда орал глюкозага толерантлик синамасидан сўнг ГҚД билан касалланган 52 бемор аниқланди. Улар 2 та гуруҳга ажратилдилар. Биринчи гуруҳ 254 нафар углевод алмашинуви бузилмаган ҳомиладор аёллар (назорат гуруҳи) ва иккинчи гуруҳ ГҚД билан касалланган 52 нафар бемор (асосий гуруҳ).

